



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Обид Мамаюнович Пардаев Коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишлари	87
Ибодулла Хасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабоева Подходы к исследованию мультиатрибутивных параметров на рынке образовательных услуг вузов: рекомендации и методология	92
Durbek Mirzaaxmadov Xizmat ko‘rsatish korxonalarini raqobatbardoshligini oshirishning xorij tajribasi	96
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилафруз Каршиевна Усманова Социальное партнерство как основа диверсификации национального туристского продукта Узбекистана	99
Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Sadoqat Murodjonava Vahobova O‘zbekiston turizm xavfsizligini ta‘minlashdagi huquqiy va amaliy chora-tadbirlar tahlili	109
Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов Хизмат кўрсатиш тизимида зиёрат туризмини ўрни ва ўзига хос хусусиятлари	111
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Marjona Otabekovna Asliddinova Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda marketing strategiyalarini qo‘llash	114
Зумрад Исламовна Усманова Развитие сферы услуг и туристической индустрии в Узбекистане: тенденции, вызовы и перспективы	117
Матлуба Абдиманабовна Куймуратова Туризмнинг турлари ва улар таркибида экологик туризмнинг ўрни ва аҳамияти	121
Хасан Абдусаидович Рахимов Туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг таснифи	125
Askar Axrorovich Siddikov, Shukurullo Nusratullo o‘g‘li Haqqulov Turizm va mehmonxona sanoatining iqtisodiy ahamiyati	128
Akbarjan Sabirjanovich Madaxanov, Zaynab Sattarovna Naimova, Akmal Akbarjanovich Madaxanov Ekologik va rekreatsion turizm destinatsiyalarini yaratish va ulardan foydalanishda inson omili masalalariga doir mulohazalar	132
Nozima Miraxmad qizi Toirova Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish tendentsiyalari: innovatsion yondoshuvlar va ishlab chiqarish samaradorligi	137
Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Bekjon Nizom o‘g‘li Ismatullayev Turizm va mehmondo‘stlik industriyasida standartlashtirish va muvofiqlikni baholash xizmatlarining takomillashtirish yo‘llari	141
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	144
Shaxnoza Toshpulatova Tarixiy arxitektura yodgorliklarining turizm sohasini rivojlantirishdagi ahamiyati va hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri	147
Sitora Otabekovna Xamroyeva, Rayxona Sadriddinovna Amriddinova Innovatsion turizm sohasida zamonaviy marketing reklamalarining o‘rni	150
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Jahongir Bakhodirovich Ergashev Korxonalarda xarid faoliyatini tashkil etish va boshqarish xususiyatlari	153

bosqichma-bosqich joriy etish orqali xavfsiz turizm muhitini yaratish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi PF-60-son farmoni (28.01.2022 y)
2. O‘zbekiston Respublikasining “Standartlashtirish to‘g‘risida”gi qonuni (03.11.2022 y)
3. O‘zbekiston Respublikasining “Texnik jihatdan tartibga solish to‘g‘risida”gi qonuni (27.02.2023 y)
4. O‘z DSt 3220:2023 – “Turizm xizmatlari. Joylashtirish vositalari. Umumiy talablar”
5. O‘z DSt ISO 21101:2022 – “Sarguzasht turizmi. Xavfsizlikni boshqarish tizimlari. Talablar”

<p style="text-align: center;">Ф.Ахмеджанова, С.Вахобова</p> <p style="text-align: center;">Анализ правовых и практических мер по обеспечению безопасности туризма в Узбекистане</p> <p>Аннотация. В статье проанализированы правовые основы, практические меры и стандарты, направленные на обеспечение безопасности туризма в Узбекистане. В качестве основных проблем отмечены недостатки инфраструктуры, подготовки кадров и технического обеспечения. Автор подчеркивает необходимость разработки и внедрения единого национального стандарта по обеспечению безопасности в туризме.</p> <p>Ключевые слова: безопасность туризма, стандарты, Национальный стандарт Республики Узбекистан, ISO, управление рисками, санитарно-гигиенические нормы, система безопасности.</p>	<p style="text-align: center;">F.Akhmedjanova, S.Vahobova</p> <p style="text-align: center;">Analysis of legal and practical measures to ensuring tourism safety in Uzbekistan</p> <p>Abstract. The article analyzes the legal framework, practical measures, and standards related to ensuring tourism safety in Uzbekistan. The main problems identified were shortcomings in infrastructure, personnel training and technical support. The author emphasizes the need to develop and implement a unified national standard to improve tourism safety.</p> <p>Keywords: tourism safety, standards, National Standard of the Republic of Uzbekistan, ISO, risk management, sanitation and hygiene, safety system.</p>
--	--

Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов – СамИСИ таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎРНИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<p>Аннотация. Ушбу мақолада зиёрат туризмнинг аҳамияти ва ўрни ҳақида ва ундан ташқари керакли хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган. Албатта, бу ўринда хизматлар соҳасининг ўрни бекиёс. Ушбу мақолада хизмат кўрсатишнинг зиёрат туризмидаги ўрни ва унинг моҳияти, ҳозирги кунда қай даражада аҳамият касб этиши ҳақида тўхталиб ўтамиз ва таклифлар бериб ўтилади.</p> <p>Калит сўзлар: зиёрат туризми, хизматлар соҳаси, рухият, маданият масжид черков, зиёратгоҳ, турист.</p>
--

Кириш. Зиёрат минг йиллар олдин пайдо бўлган биринчи сайёҳлик ҳаракати эди (Тимоти ва Олсен, 2006). Зиёрат туризми тадқиқот тушунчаси сифатида бозорнинг бошқа сегментидан фаркли ўлароқ, илгари деярли мавжуд бўлмаган ва фақат 1990-йилларга келиб илмий чуқур изланишлар олиб борилди. Бироқ, унинг илдизлари, асосан, социологлар ва антропологлар томонидан ишлаб чиқилган тушунчалар ва назарияларга бориб тақалади - бу фикрлар 1970-йиллардаги туризм адабиётида таҳлил қилинган. Маълумки, зиёрат туризми йилдан йилга ўсиб бораётган туризм соҳаси ҳисобланади. Бунга яққол далил ўлароқ йилига ўртача 330млн саёҳатчилар зиёрат туризми мақсадида саёҳат қилади. Зиёрат туризми бу рухият, маданият ва саёҳат жамаланган туризмнинг сегменти ҳисобланади. Юқоридагилар бутун бир саёҳатни ўз ичига олиб, эътиқодли одамлар ўз динлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш учун борадиган масканларда бошқа турдаги хизматлардан ҳам фаол тарзда фойдаланмоқдалар. Зиёрат туризми ташриф буюриш мумкин бўлган шаҳар ёки маълум ҳудуддаги масжидлар ва черковларга ёки бошқа диний диққатга сазовор жойларга ташриф буюришни ўз ичига олиши мумкин Зиёрат туризми туристларни диний муносабат ва урф-одатларга эришиш учун тўлиқ ёки кучли туртки

берадиган туризм туридир.

Ҳозирга келиб эса, Туризм энг жадал ривожланаётган соҳалардан биридир ва у даромадлилиги бўйича нефт ва автомобилсозлик соҳаларидан кейин учинчи ўринда туради. Замонавий туризм индустрияси турли хил йўналишларни ўз ичига олади. Улар орасида зиёрат туризми алоҳида ўрин тутлади. Бу турдаги саёҳатлар диний ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, муқаддас жойларга ташриф буюриш ва маърифий тажриба ортириш мақсадида амалга оширилади. Зиёрат туризми нафақат диний аҳамиятга эга, балки хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ривожланиш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги кунда зиёрат туризми долзарблиги янада ошмоқда ва бунга асосий сабаб қилиб, ижтимоий ҳаётни мураккаблашуви дейилмоқда. Бу халқаро тренд Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилмоқда ва шу сабабли Президентимиз ташаббуслари ва тегишли қарорлари билан туризм ва хусусан зиёрат туризмига катта эътибор берилмоқда. Яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент фармони олишимиз мумкин. Унга кўра, Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни, Янги йил байрами ва Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ҳамда Курбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларини нишонлаш даврида республика ҳудудларини боғловчи кўшимча авиа, темир йўл ва автобус қатновларини йўлга қўйилиши ва зиёрат туризмига кўпроқ инсонлари жалб этиш мақсад қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда туризм соҳаси энг йирик хизмат кўрсатиш соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар туризмни ривожлантириш мумкин. Шу боис, сўнгги бир неча ўн йилда жаҳон туризми юқори тенденцияда ривожланиши кутилмоқда. Бу жаҳода зиёрат туризми асосий йўналишлардан бири булади. Бу борада кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб боришган. Эдвард Шилс зиёратлар ва муқаддас жойларга зиёратни ўрганган. Доналд Луис Ҳиндистондаги зиёрат туризмни ўрганган. У ўз тадқиқотларида қадриятлар ва ижтимоий ҳаёт туризмга қандай таъсир қилганлигини ўрганган. Майкл Р. Халл зиёрат туризмнинг психологик, ижтимоий, ва иқтисодий таъсирларини ўрганган.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам бу соҳага қизиқиш билдириб, турли тадқиқотлар олиб боришган. Уларнинг асосий ишлари диний ва маданий туризм, унинг иқтисодий, ижтимоий ва таъсирлари ҳақида бўлган. Жумладан, М.Қ. Пардаев, Н. Тухлиев, И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбоев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада зиёрат туризми стратегик ривожланиш ва таҳлил қилиш борасида кузатиш, мантиқий таҳлил назарий таҳлил тизимли таҳлил синтез абстракция индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Туризм қўмитаси билан биргаликда маҳаллий ва хорижий фуқароларни транспорт ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор қилиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, жумладан, янги Ислом цивилизация маркази ва Имом Бухорий мажмуаси ҳақида кенг жамоатчиликка етказиш мақсад қилинган. Шу маънода таъкидлаш жоизки, Зиёрат туризмнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд ва шу жиҳатлар уни жозибадор ва индивидуал қилиб кўрсатади ва улар куйидагилар:

Диний ва маънавий аҳамият – Бу турдаги саёҳатларнинг асосий мақсади инсонларнинг диний ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Мусулмонлар учун Макка ва Мадинага ҳаж ва умра, христианлар учун Ватикан ёки Қуддусга ташриф, буддистлар учун Лумбини каби муқаддас жойлар алоҳида аҳамиятга эга.

Тарихий ва маданий бойлик – Зиёрат туризми фақат диний эмас, балки тарихий аҳамиятга эга жойларга ташрифни ҳам ўз ичига олади. Бундай жойлар маданий мероснинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иқтисодий таъсир – Зиёрат туризми кўплаб хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиради. У меҳмонхона, транспорт, озиқ-овқат ва сувенир маҳсулотлари савдосига ижобий таъсир кўрсатади.

Мавсумийлик ва йирик тадбирлар – Зиёрат туризми муайян вақтларда кескин ўсиш-

га эга бўлади. Масалан, мусулмонлар учун Рамазон ойида ва Ҳаж мавсумида зиёратчилар сони ошади.

Транспорт ва инфратузилмага талаб – Зиёратчилар оқимини қабул қилиш учун махсус инфратузилма ва транспорт тизимини яхшилаш талаб қилинади. Юқоридаги таъкидланган жиҳатлар хизматлар соҳасига бирикса янада долзарблиги ва мураккаблиги ошади. Энг асосийларидан қилиб қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

Меҳмонхона ва ётоқхоналар тармоғи ривожини – Зиёратчилар учун меҳмонхоналар ва зиёратчилар уйлари қурилади.

Овқатланиш хизматлари – Ҳалол таомлар ва миллий таомлар таклиф қилинади.

Гид ва экскурсия хизматлари – Зиёратчилар учун махсус йўналишлар ва гидлар фаолият кўрсатади.

Транспорт ва логистика – Автобуслар, махсус такси ва қатнов тизими ривожланади.

Бу саналган барча жиҳатлар тор ва бевосита таъсир этувчи омиллар бўлиб, зиёрат туризми деярли барча соҳаларга билвосита алоқадор ҳисобланади. Диний саёҳатларни қизиқувчилар кўлами кенг, шунингдек, ушбу секторда бизнес қилиш имкониятлари мавжуд ва ҳали ҳам очик. Диний саёҳатларга эргашишнинг турли сабаблари ва афзалликлари, шунингдек, таклифлар диний туризм йўналишлари раҳбарлари учун такомиллаштириш, шунингдек, ҳукумат учун маслаҳатлар келтиришга ҳаракат қилинган. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот натижалари мамлакат зиёрат туризми салоҳиятига назарий ва амалий ҳисса қўшиши кутилмоқда. Ундан ташқари зиёрат туризмида хизматлар соҳасини родини ошириш ва амалий ҳисса қўшилиши кутилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Зиёрат туризми нафақат диний эҳтиёжларни қондириш, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш учун ҳам муҳим ҳисобланади. У хизмат кўрсатиш соҳасининг бир нечта тармоқларини қўллаб-қувватлайди ва маҳаллий иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун зиёрат туризмининг янада ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва янги хизмат турларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Диний туризм 21-асрдаги кўплаб ижтимоий ва маданий ўзгаришлар туфайли туризм бозорининг ўсиб бораётган секторидир. Диний туризмни ўрганишга бўлган қизиқиш одамларнинг бугунги кунда жамиятлардаги кўплаб ўзгаришлар натижасида тез барқарор ҳаёт кечириши ва шу тариқа осойишталик ва маънавий юксалишга интилишидан келиб чиқади. Дунё бўйлаб зиёрат марказлари диний, мерос ва маданий туризм учун зарур ҳисобланади. Зиёрат марказларининг машҳурлиги ва глобал аҳамияти ортиб бораётганига қарамай, унинг бошқа соҳалар билан боғлиқлиги чуқур ўрганилмаган, хусусан хизматлар соҳаси билан. Санаб ўтилган зиёрат туризмидаги етишмовчиликларни ҳисобга оладиган бўлсак қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Янги туристик хизматларни ишлаб чиқиш, сегментларни кўпайтириш, рақамли хизматлар, мажмуавий ёки маҳсулот ва хизматлар интеграциясини зиёрат туризмига боғлаш.

2. Хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш, глобал бозорга чиқиш ва ниҳоят гибрид хизматларни амалиётга татбиқ этиш.

3. Зиёрат туризмига оид халқаро ва хорижий илмий адабиётлар таҳлили, шунингдек, уларни Ўзбекистон республикаси қонунчилигига киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.greenpilgrimageeurope.net/green-pilgrimage.html>
2. https://www.researchgate.net/publication/318675008_Spiritual_tourism_as_a_quest
3. Тимоти, Д.Ж. ва Олсен, Д.Х. (Эдс) (2006), Туризм, Дин ва маънавий саёҳатлар, Роутлед, Лондон ва Нью-Йорк, НЙ.
4. Коҳен, Э. (1992а), "Ҳаж марказлари: концентрик ва эксцентрик", Туризм тадқиқотлари йилномалари, жилд. 19 № 1, 33-50-бетлар.
5. Коҳен, Э. (1992б), "Зиёрат ва туризм: конвергенция ва дивергенция", Моринисда, А. (Эд.), Муқаддас.
6. Саёҳатлар: Ҳаж антропологияси, Гренвуд Пресс, Нью-Йорк, НЙ, 47-61-бетлар.

7. https://www.ajhtl.com/uploads/7/1/6/3/7163688/article_68_vol_8_3__2019.pdf

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 18.07.2024 йилдаги ПФ-102-сон

Т.Саломов	T.Salomov
Роль и особенности системы обслуживания в паломническом туризме	The role and specific features of pilgrimage tourism in the service sphere
<p>Аннотация. В данной статье рассматривается значимость паломнического туризма и его место в системе предоставления услуг. Особое внимание уделяется анализу роли сферы услуг в обеспечении потребностей паломников, а также степени её влияния на развитие этого направления в туристической отрасли. В статье представлены выводы и практические рекомендации, направленные на повышение качества обслуживания в паломническом туризме.</p> <p>Ключевые слова: паломнический туризм, сфера услуг, духовность, культура, мечеть, церковь, святыня, турист.</p>	<p>Abstract. This article examines the importance of pilgrimage tourism and its place in the service provision system. Particular attention is paid to the analysis of the role of the service sector in meeting the needs of pilgrims, as well as the degree of its influence on the development of this direction in the tourism industry. The article presents conclusions and practical recommendations aimed at improving the quality of service in pilgrimage tourism.</p> <p>Keywords: pilgrimage tourism, service sector, spirituality, culture, mosque, church, shrine, tourist.</p>

Rayhona Sadriddinovna Amriddinova – SamISI, Turizm kafedrası dotsenti, i.f.n.

Marjona Otabekovna Asliddinova – SamISI, MTF-123 guruh magistranti

NAVOIY VILOYATIDA QISHLOQ TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING STRATEGIYALARINI QO‘LLASH

Annotatsiya. Mazkur maqolada Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda marketing strategiyalarining o‘rni va samaradorligi, qishloq turizmida maqsadli auditoriyani aniqlash, raqamli va ijtimoiy media marketingi, hududiy brending va storytelling kabi zamonaviy yondashuvlar asosida samarali reklama strategiyalarini ishlab chiqish, Yevropa va Markaziy Osiyo davlatlari xalqaro tajribasi solishtirma tahlillar keltirilib, O‘zbekistondagi imkoniyatlar asosida xulosa va takliflar ishlab chiqilgan. Navoiy viloyatining qishloq turizmi salohiyati, xususan, Sentob va Sarmishsoy kabi istiqbolli destinasiyalarda innovatsion marketing yondashuvlari orqali turistlar oqimini oshirish yo‘llari ilmiy asoslangan.

Kalit so‘zlar: qishloq turizmi, marketing strategiyalari, raqamli marketing, ijtimoiy media, hududiy brending, storytelling, maqsadli auditoriya, ekoturizm, turistik destinatsiya, xalqaro tajriba.

Kirish. Marketing strategiyalari turizm mahsulotining bozorda o‘z o‘rnini topishi va maqsadli auditoriyaga yetib borishini ta’minlaydi. Ayniqsa raqobat kuchaygan hozirgi davrda to‘g‘ri marketing yondashuvi hududga, qishloq joylariga ko‘proq turistlarni jalb etish, ularning qolish muddatini uzaytirish va qoniqish darajasini oshirishga xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi. Marketing strategiyalarining qishloq turizmidagi amaliy o‘rnini baholash uchun nazariy g‘oyalarga asoslangan tahlillar, solishtirma tahlil, case-study, kontent tahlili, ilmiy kuzatuv va umumlantirish kabi metodlardan foydalanildi.

Mavzu bo‘yicha adabiyotlar tahlili. Qishloq turizmining nazariy asoslarini mamlakatimiz olimlaridan I.S.Tuxliyev, R.Hayitboyev chuqur tahlil qilishgan. Marketing strategiyalari, maqsadli segmentlash, faol ijtimoiy tarmoqlardagi targ‘ibot, brending haqida olimlardan M.Q.Pardayev, D.Xolmamatov, K.Ibodovlarning ishlarini sanab o‘tish mumkin.

Tahlil va natijalar. Qishloq turizmi marketingida quyidagi asosiy strategik yo‘nalishlar muhim sanaladi:

Maqsadli auditoriyani aniqlash. Har qanday marketing faoliyati avvalo qaysi auditoriyaga mo‘ljallanishini aniq belgilashdan boshlanadi. Qishloq turizmida bu borada asosan tabiat ishqibozlari, ekoturistlar, mahalliy madaniyat va tarixga qiziquvchilar, sokin dam olishni istovchilar kabi segmentlar ajratiladi. Maqsadli guruhlarni aniqlash marketing xabarini to‘g‘ri shakllantirish va mos kanallar orqali yetkazish imkonini beradi. Misol uchun, sarguzasht izlovchi yosh turistlarga tog‘li hududlarda piyoda sayr yoki velosayr marshrutlarini qiziqarli tarzda taklif etish maqsadga muvofiq bo‘lsa, oilaviy dam oluvchilarga qishloq xo‘jaligi fermasidagi dam olish

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.